

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА МОХИЧЕХРА ХАЯТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ОЛҚИШЛАРНИНГ БАДИИЙ-
ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УЎК: [82-84:395.8](=512.133/=111)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Ниязова Мохичехра Хаятовна

Инглиз ва ўзбек адабиётида олқишларнинг бадий-эстетик вазифалари
типологияси 5

Ниязова Мохичехра Хаятовна

Типология художественно-эстетических функций благопожеланий в
английской и узбекской литературе..... 25

Niyazova Mokhichekhra Khayatovna

Typology of artistic and aesthetic functions of well-wishes in English and Uzbek
literature..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 53

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НИЯЗОВА МОХИЧЕХРА ХАЯТОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ОЛҚИШЛАРНИНГ БАДИИЙ-
ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/Fil1232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Ойбек Сапарбаевич
филология фанлари доктори, профессор
Сафарова Нигора Охунжоновна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (158 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «18» август куни тарқатилди.
(2022 йил «18» август даги 22-06 - рақамли реестр баённомаси).



М.Қ.Бақоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, филол. ф. д., доцент

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида тил – инсон – маданият тадрижида шаклланган ва тараққий этиб келаётган олқишларни умумжаҳон цивилизациясидаги муштарак эстетик ҳодисалардан бири сифатида қарашга қизиқиш ортмоқда. Олқишларга этнофольклористик, лингвокультурологик, лингвопоэтик жиҳатдан қиёсий-типологик аспектда ёндашилса, уларнинг этикетли поэтик нутқ шакли, нутқий одобга алоқадор коммуникатив восита эканлигини асослаш имконини беради. Инглиз ва ўзбек фольклорида ҳам олқишларнинг тўй, мотам, даволаш маросимларида, кундалик ҳаётда ижро қилиниши, ўзида сўз магиясига ишончли сақлаганлиги, истак ва тилакни образли баён қилиш учун қўлланиши, прагматик интерпретация асосида ифодаланиши, миллий, гендерлик табиатига эгаллиги, ёзувчилар томонидан бадий асар халқчиллигини ошириш мақсадида фойдаланилиб, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш каби бир хил поэтик вазифаларда келиши туфайли яқинлик касб этади.

Дунё халқлари фольклорида қадимги инсонларнинг сўз сеҳрига ишончи асосида бир-бирларига эзгу ниёт, яхши тилак билдириш эҳтиёжидан пайдо бўлган олқишлар анъанавий, оммавий, мустақил жанр сифатида алоҳида эътиборни тортади. Умумфольклор ҳодисаси бўлган олқишларнинг бадий ижоддаги ўрни, жанрий табиати, генезиси, эстетик-тарбиявий моҳияти, композицион ва лингвопоэтик белгиларини очиш бадий тафаккур тарихий тараққиёт хусусиятларини, жаҳон халқлари фольклоридаги жанрлар типологияси ҳамда спецификасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ўзбек фольклорини дунё миқёсида танитиш ва тарғиб қилиш, уни жаҳон фольклори контекстида қиёсий ўрганишга эътибор ортди. “Илми, тарбияни тўғри қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради”¹. Бунинг натижасида ўзбек қиёсий фольклоршунослигининг ўзига хос тараққиёт тамойилларини белгилаб кўрсатиш, оғзаки ижод намуналарини таржимада бериш муаммоларини аниқлаш, эпик тафаккур тадрижига дунё халқларининг маънавий қадриятлари билан боғлиқ ҳолда баҳо бериш имкони кенгайди. Турли тизимли тиллардаги олқишлар композицияси, ифода услуби, ўхшашлиги ҳамда специфик белгилари ҳали қиёсий аспектда алоҳида илмий муаммо сифатида нисбатан кам ўрганилган. Ушбу эҳтиёж муайян поэтик жанрнинг ҳар бир тилда нафақат ўзига хос намоён бўлишини, балки умумфольклорда ўхшашлик касб этишини асослаш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувидаги нутқидан. – Халқ сўзи, 2019 йил, 26 май.

йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида олқишларга бағишланган айрим илмий изланишлар мавжуд. Бунга С.С.Каташ, И.К.Назмутдинова, Н.М.Мекеко, М.В.Кутьева, Н.Д.Михайлова, Л.В.Зорина, М.К.Халимбекова, О.С.Шлапаков, Л.Н.Панченко, Е.Д.Каксина, Е.В.Безбородова, Е.В.Бобырева, Е.А.Курченкова тадқиқотларини мисол келтириш мумкин.² Шунингдек, олқишларнинг лингвистик, этнографик моҳиятига муносабат акс этган тадқиқотлар ҳам эътиборни тортади.³ Инглиз фольклори тарихини ўрганишда алоҳида ҳиссаси бор Марй Мас Леод Банкс, Винифред Сусан Бласкман, Эстелла Санзиани Георге Региналд Сарлине, Эдвард Слодд, Фредериск Тхомас Элвортҳий каби олимларнинг тадқиқотларида оғзаки сўз санъати дурдоналари қаторида олқишлар ҳам алоҳида тилга олинади.⁴

² Каташ С.С. Алқиш Сос (благопожелания) – древний жанр алтайского фольклора. Улагашевские чтения. Вып. I. Горно-Алтайск, 1979. – С.63-77; Назмутдинова И.К. Удмуртские лексемы приветствия и прощания в пермском крае и удмуртской республике // Ежегодник финно-угорских исследований. – 2009. – №1. – С. 67-70; Мекеко Н.М., Кутьева М.В. Лингвокультурологическая и прагматическая интерпретация обрядовых пожеланий в фольклоре Великобритании, Испании и России. *Cognition, communication, International on-line journal* <http://sites.google.com/site/cognitiondiscourse>. – Kharkov, 2010. – Б.63; Михайлова Н.Д. Благопожелания: кочевой образ жизни // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2: Филология и искусствоведение. – 2010. – №4. – С. 28-32; Зорина Л.В. Вологодские диалектные благопожелания в контексте традиционной народной культуры. – Вологда: ВГПУ, 2012. – 216 с.; Халимбекова М.К. Гендерно-ориентированные благопожелания, обслуживающие речевой этикет (на материале лезгинского и английских языков) // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 9 (часть 11). – С. 2576-2579; Шлапаков О.С. Лингвостилистические особенности речевого акта Пожеланий в Английском, Французском и Русском языках. *Лингвистика* 1(31).2014. – Б.103; Панченко Л.Н. Структурно-семантический анализ мансийских благопожеланий // Вестник угроведения. – 2018. – Т. 8. – № 1. – С. 37-50; Каксина Е.Д. Благопожелания как один из жанров традиционного фольклора казымских хантов // Культура и цивилизация. – 2019. Том 9. № 5А. – С. 68-76; Безбородова Е.В. Традиционные английские и русские благопожелания. – Труды преподавателей. – Вестник ИГУ. – 2010. – № 25. – С.40-45; Бобырева Е.В., Курченкова Е.А. Речевые акты благословения английском и индийском языке // Известия ВГПУ. – 2019. – №9 (142). – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rechevye-akty-blagosloveniya-v-indiyskom-angliyskom-yazyke>.

³ Арискина Т.П. Выражения речевого этикета в эрзянском и венгерском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2007. – 151 с.; Бгажноков Б.Х. Очерки этнографии общения адыгов. – Нальчик: Эльбрус, 1983. – 232 с.; Лапина М.А. Этика и этикет хантов. – Екатеринбург: Баско, 2008. – 120 с.; Молданов Т., Молданова Т. Боги земли казымской. – Томск, 2000. – С. 46; Попова С.А. Мансийские календарные праздники и обряды. – Томск, 2008. – 138 с.; Пятникова Т.Р. Традиционные обряды хантов Усть-Казымского Приобья. – Екатеринбург: Баско, 2008. – 80 с.

⁴ Mirzayev T., Safarov O., O'rayeva D. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: Aloqachi, 2008. – B.45

Ўзбек фольклоршунослигида олқишлар махсус ўрганилган⁵ бўлса-да, у билан боғлиқ урф-одатлар мазмуни, умуман, олқишлар табиати, атама моҳияти, унинг сўз сеҳрига ишонч асосида келиб чиққанлиги, ижро ўрни ва пайти, ёзма адабиётда аналитик фольклоризм сифатида қўлланиши, турли тизимли тилларда таржимада берилиши ҳақида ҳали баҳсли фикр ҳамда қарашлар сақланиб қолмоқда. Ўзбек олқишлари ҳақидаги дастлабки илмий мулоҳазаларни Б.Саримсоқов илгари сурган.⁶

Ўзбек маросим олқишлари ва уларнинг мавзуй турлари, бадиияти бўйича О.Сафаров, У. Жуманазаров, Д.Ўраева тадқиқотларида мулоҳазалар баён этилган.⁷

Ўзбек олқишларини этнографик жиҳатдан ёзиб олиш ҳали етарли эмас. Фақатгина унинг намуналари биринчи марта Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраевалар томонидан тузилган “Ўзбек фольклори хрестоматияси”да⁸ 2008 йилда алоҳида жанр намунаси сифатида берилган, холос.

“Бойчечак”, “Ой олдида бир юлдуз” фольклор тўпламларида, асосан, болаларга бағишланган халқ айтим-олқишларидан намуналар келтирилган.⁹

Ғарб ва Шарқ фольклоршунослиги, тилшунослиги ва этнологиясида олқишларга алоқадор бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, инглиз ва ўзбек халқ олқишларининг структур-семантик, гендер, хусусиятлари, бадиий-эстетик вазибалари қиёси, ўзига хос этикетли поэтик нутқ шакли эканлиги, лингвомаданий ҳамда прагматик интерпретацияга асосланиши махсус тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг “Ўзбек фольклорини жаҳон фольклори контекстида ўрганиш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек адабиётида олқишларнинг мавзуй турлари, поэтик композицияси, ифода услуби, бадиий-эстетик

⁵ Кўчқоров Н. Ўзбек халқ олқишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.

⁶ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.; К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б.109-112; Саримсоқов. Олқишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.128-143.

⁷ Сафаров О. Айтим-олқишлар / Ўзбек болалар оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б.78; Сафаров О., Ўраева Д. Маросим олқишлари ҳақида // Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари” мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Навоий, 2007. – Б.15-18; Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2010; Жуманазаров У. “Олтин олма, дуо ол!”, “Дуо – олтин эмасми?”, “Кўшгани билан қўша қарисин” // Тарих ҳақиқати ва халқ ижоди бадиияти. – Т.: “Elmus Press Media”, 2007. – Б.3-28; Ўраева Д., Розикова Ф. Маросим олқишлари бадиияти // Адабиёт ва таржима. Тўплам. – Т.: “Зарқалам”, 2006. – Б.104-106; Ўраева Д. Мотам олқишлари / Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари док-ри ... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б.42-43.

⁸ Mirzayev T., Safarov O., O'rayeva D. O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi. O'quv qo'llanma. – Т.: Aloqachi, 2008. – В.34-38.

⁹ Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар К.Очилов ва О.Сафаров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 336 б.; Ой олдида бир юлдуз: Ўзбек халқ маросим қўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи – филология фанлари доктори М.Жўраев. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 160 б.

вазифалари ўртасидаги ўхшаш ҳамда специфик хусусиятларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек адабиётида олқишларни юзага келтирган сўз сеҳрига ишонч билан боғлиқ мифологик тасаввур-тушунчалар генезисини, оилавий-маиший маросимларда, кундалик ҳаётда айтилиши учун асос бўлган ҳаётий, ижтимоий-психологик омилларни очиб бериш;

инглиз ва ўзбек халқ олқишларига хос типологик ҳамда специфик белгиларни, уларнинг мавзуй турларини, ижро ўрни, вақтига кўра кўринишларини таснифлаш;

олқишларда истак ва тилакни образли ифодалаш учун лингвопоэтик воситалардан фойдаланишнинг услубий имкониятларини, лингвомаданий ҳамда прагматик интерпретацияга асосланган ифода хусусиятларини аниқлаш;

олқишларнинг структур-семантик тузилиши, бадий-композицион қурилиши, гендер хусусияти, этикетли поэтик нутқ шакли эканлигини асослаш;

халқ олқишларининг ёзма адабиётда оддий, аналитик фольклоризм бўлиб келишини ва таржимада берилишини, бадий-эстетик вазифаларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек халқ олқишлари, уларнинг ёзма бадий манбаларда қўлланган намуналари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек адабиётидаги олқишларнинг мавзуй турлари, поэтикаси, лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таснифлаш, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, этнолингвистик, этнофольклористик, контекстуал таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ҳамда ўзбек адабиётида олқишларнинг юзага келишига ушбу халқларнинг қадимдан сўз магияси, турли мифологик культларга ишончи, миллий дунёқараши, муаллиф тафаккури, воқелик дискурси, лисоний элементларнинг конструктив функциялари, адабий таъсир каби поэтик хусусиятлари аниқланган;

турли тизимли бу иккала тилда олқишларнинг тўй, мотам маросими, кундалик турмуш воқеликлари билан боғлиқликда ижро қилинишига кўра турлари таснифланиб, мазмунан яқинлиги, структур-семантик, гендер, ижро ўрни ва вақтига кўра хусусиятларининг муштараклик касб этиши асосланган;

олқишлар инглиз ва ўзбек оғзаки адабиётининг алоҳида, мустақил, қадимий, анъанавий жанрларидан, олам миллий манзарасини акс эттирувчи ментал шакл, нутқий одобга алоқадор коммуникатив восита турларидан бири эканлиги, лингвомаданий ҳамда прагматик интерпретацияга асосланиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилидаги шеърӣ ҳамда насрий асарлар мисолида ижодкорларнинг олқишлардан асар миллийлигини, халқчиллигини оширишда, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда, поэтик

вазифаларини очиб беришда тарихий-фольклорий, бадий-эстетик асосларнинг бирламчи, олқишларнинг ўрни, вазифалари, концептуал мотивлари эса иккиламчи характерда эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олқишларда образли ифоданинг асоси бўлган лингвопоэтик воситаларнинг бадий мулоқотда ахборот етказиш ва етказилаётган информацияга ҳиссий муносабатни ифодалаш вазифалари аниқланган;

олқишларнинг турли нутқ вазиятлари ва ҳолатларига қараб айтилиши, структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик аспектларда юзага чиқиши, шаклий ва мазмуний жиҳатдан моделлаштирилгани, кўпинча содда гап қолипни бўлиб, таркибидаги сўзлар образлилик ва ритмиклик асосида бириктирилиши кўрсатилган;

турли тизимли тиллардаги олқишларнинг жанрий белгилари, поэтик хусусиятлари, эстетик вазифаларини қиёсий очиш жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётдаги типологик ҳодисаларни белгилаб кўрсатиш, уларнинг таржима муаммоларини аниқлашда муайян аҳамият касб этиши асосланган;

олқишларнинг семантик-структурал, услубий-функционал, бадий-эстетик, гендерлик, лингвокультурологик, прагматик хусусиятларини ёритиш фольклор, адабиёт ва тил назарияси бўйича яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда назарий маълумотларнинг аниқ илмий ҳамда бадий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар таснифлаш, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, этнолингвистик, этнофольклористик, контекстуал методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр-хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, олқиш жанри поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириши ҳамда бир тизимга солиши, турли тизимли тиллардаги халқ ижоди жанрларининг ёзма адабиётда оддий, аналитик фольклоризм сифатида қўлланилиши, таржимада берилиши муаммоларини қиёсий ўрганишга йўл очиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан мавзуга оид тадқиқотлар яратишда, олий таълимда фольклоршунослик, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик фанларини ўқитиш жараёнида, хусусан, олқишлар ҳақида кенгроқ адабий-назарий маълумотлар беришда, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек адабиётида олқишларнинг бадий-эстетик вазифаларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек халқлари ижодида инсонга эзгу ният, яхши тилак билдириш учун айтиладиган олқишларнинг бадий-эстетик вазифаларига хос умумий хусусиятлар, инглиз ва ўзбек тилларида олқишларни таржима қилиш муаммо ва ечимларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-

тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 21 октябрдаги 17-01-267-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек адабиётида олқишлар юзага келишида инсонларнинг сўз сеҳрига ишончи билан боғлиқ мифологик тасаввур-тушунчалар, фольклордаги қарғиш жанрига зидлигини очиб бериш бўйича илмий хулосалар чиқариш имконини берган;

жаҳон халқлари фольклорида қадимий, анъанавий, бадиий-этнографик моҳиятга эга бўлган олқиш жанрини Шарку Фарб фольклори ҳамда адабиётга хос поэтик мезон ва тамойиллар асосида қиёсий ўрганишга бағишланган ушбу диссертация илмий натижалари, амалий таклиф, тавсияларидан Самарқанд давлат чет тиллари институтининг 2015-2017 йилларга мўлжалланган “Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури 561624 EPP-1-2015-1-OK-EPPKA 2CBHE3P IMEP: “Internationalization and Modernization of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan” номли халқаро лойиҳа ишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 932/30.02.01- сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида инглиз ва ўзбек халқ олқишларининг шаклий-услубий белгилари, типологик ҳамда специфик хусусиятлари аниқланганлиги, ижро ўрни ва вақтига кўра кўринишлари, маросимлар билан боғлиқ расм-русумларга алоқадор мавзуй типлари таснифланганлигига оид материаллар соҳавий терминшунослик, луғатшунослик, халқаро маълумот алмашинуви тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

олқишларнинг юзага келишига инглиз ва ўзбек халқларнинг қадимдан сўз магияси, инсоннинг инсонга эзгу муносабатини билдириши, турли мифологик культларга ишончи, миллий дунёқараши, ўзига хос маданий турмуш тарзи, маросим ва урф-одат, касб-хунарлари таъсири ифодалашидаги муштараклик бўйича илгари сурилган ғояларнинг асосланишига доир хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида фаолият кўрсатиб келаётган “Нилуфар” адабий тўғараги машғулотида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг 2021 йил 19 январдаги 01/09-30-сон маълумотномаси). Натижада олқишларнинг сўз сеҳрига ишонч, инсоннинг инсонга эзгу муносабатини билдириш, яхши тилак ва ниятини изҳор этиш эҳтиёжи билан яратилгани, жаҳон халқлари фольклорида ўзига хос ўринга эгаллиги, ҳар бир халқ фольклорида мустақил жанр сифатида яшаб келаётгани, шунинг учун умумфольклор ҳодисаси сифатида эътиборни тортиши, ижодкорларнинг турли жанрдаги асарларида уларни рухий таҳлил воситаси сифатида қўллаши далилланган. Тадқиқотчи таҳлил қилган инглиз, ўзбек олқишлари орқали тўғарак аъзоларининг таржима ва таржимашунослик, қиёсий адабиётшуносликка янада қизиқишини оширишга муваффақ бўлинган;

олқиш – сўз сеҳрига ишончдан шаклланган жанрлардан бири экани, жаҳон халқлари фольклорида ўзига хос ўринга эгаллиги, инглиз адабиётида ҳам халқ оғзаки ижоди дурдоналари қадимийлиги, бетакрор юксак ижодий салоҳият маҳсули эканлиги, унга хос эртақ, афсона, ривоят, достон, кўшиқ, мақол, топишмоқ сингари қатор жанрлар авлодлар тарбиясига кучли бадиий-

эстетик ва рухий-ижтимоий таъсир кўрсатиш қудрати билан аҳамиятлилиги каби масалаларнинг ифода этилиши билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” каби туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 январдаги 1/9-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг икки қардош бўлмаган маданиятга хос хусусиятлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар бўйича илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 8 та республика, 3 та хорижий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инглиз ва ўзбек олқишлари генезисдаги муштаракликлар”** деб аталган ва уч фаслдан таркиб топган. Унинг “Олқиш – сўз сеҳрига ишончдан шакланган жанрлардан бири” номли илк фаслида қадимдан ҳозиргача яшаб келаётган, аниқ маиший эҳтиёж, кундалик турмуш, инсон фаолияти билан боғлиқ муайян ҳиссий шароит ёки бирор-бир маросим, ҳаётий тадбир жараёнида айтиладиган яхши тилақдан иборат гап, нутқ бўлаги олқишлар генезисини очишга эътибор қаратилган. Барча халқлар фольклорида олқишлар сўз сеҳрига ишонч билан генетик алоқадорликда пайдо бўлган¹⁰ ва жуда қадимдан ҳозиргача маълум ижтимоий-маиший, ритуал-магик вазифаларда қўлланиб келади. Улар ўз тараққиёти давомида ҳамиша ғоявий-бадиий жиҳатдан ривожланиб борган.

Олқишлар дунёдаги бошқа халқлар қаторида инглиз ва ўзбек халқи фольклорида ҳам кенг учрайди. Олқишлар қайси халққа қарашли бўлмасин,

¹⁰ Каташ С.С. Алқиш Сос (благопожелания) – древний жанр алтайского фольклора. Улагашевские чтения. Вып. I. Горно-Алтайск, 1979. – С.63-77.

аввало, инсонларнинг ҳиссиётларига маънавий ва руҳий таъсир кўрсатиш қудратига эгаллиги билан эътиборни тортади.

Инглиз этнографи Ж.Ж. Фрезер сеҳр-жоду (магия)нинг икки кўринишини фарқлашга ундайди.¹¹ Биринчиси “гомопатик магия” (“гомо” – юнонча “ўхшаш, бир хил” дегани) бўлиб, бунда бирор кишининг нарчаси орқали унинг ўзига таъсир кўрсатиш кўзланади. Масалан, инсоннинг сочи, тирноғи кабиларни куйдириш, кўмиш ёки сочиб юбориш орқали унинг ўзига зарар етказиш назарда тутилади. Магиянинг яна бир кўриниши эса инсонлар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Бунда кишиларнинг ўзаро мулоқотда бўлиши натижасида бир-бирига сўз кучи воситасида салбий ёки ижобий таъсир ўтказиши эътиборга олинади. Демак, олқиш сўз қудратига таянадиган жанр сифатида мулоқот магияси кўриниши ҳисобланади.

Қадимги инсонлар нафақат сўз магиясига, балки ўзга олам, руҳлар дунёси борлигига ҳам ишонганлар ва унга сеҳрли сўз ёрдамида кириб борилади, унинг вакиллари билан ҳам шундай сўзлар орқали мулоқотда бўлинади, деб англаганлар¹². Яна ибтидоий даврларданоқ яхши сўз орқали ўликни тириктириш, ёмон сўз билан эса тирикни ўлдириш мумкин, деб қаралган. Шунинг учун қадимдан марҳумлар тепасида турли афсунлар, олқиш ва дуолар айтиб турилган.¹³ Шу каби ишончлар асосида инсонга яхшилик, эзгулик тилаш мақсади билан боғлиқ олқишлар ҳамда мазмунан ва функцияси жиҳатидан унга зид бўлган қарғишлар пайдо бўлган.¹⁴ Бу ҳақда ўзбекларнинг “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, “Яхши сўз – юрак ёғи, Ёмон сўз юрак доғи”¹⁵, инглизларнинг “Evil words destroy one’s friends, wise discernment rescues the godly” (“Ёмон сўзлар дўстларни йўқ қилади, доно ақл-идрок художўйларни қутқаради”) ёки “Gentle words bring life and health; a deceitful tongue crushes the spirit” (“Юмшоқ сўзлар ҳаёт ва соғлиққа олиб келади, ёлғончи тил руҳни эзади”¹⁶ каби мақоллари яратилган.

Олқишлар этнографик ва бадий моҳиятга эга. Улар, аввало, инсон ҳаётида юз берган бирор-бир ижтимоий-ҳаётий ўзгаришни шарафлаш, шунинг баҳонасида ҳаётида руҳий эврилиш юз берган кишига яхши ният билдириш вазифасида қўлланиши сабабли қадимдан бир оламдан бошқа оламга ўтаётганлар, янги бир иш бошловчиларга бағишлаб олқиш айтиш одати шаклланган. Инсон ўзидаги сўзлаш иқтидорини илоҳий қудрат деб билган. Кўриш, сўзлаш ва хатти-ҳаракат учлигида сеҳр-жоду қудратини кўра олган ва ўзининг бутун фаолиятида уларга муносабатда бўлишга интиланган.¹⁷

Олқишларнинг келиб чиқишига жамиятдаги ҳар хил ижтимоий қатламларнинг, турли касб-ҳунар эгаларининг ўз пирларига ишонч-эътиқодининг ҳам муайян таъсири бор. Жумладан, турфа касб-ҳунар

¹¹ Фрезер Дж. Золотая ветвь. Выпуск 1. Магия идеологии. – М.: «Наука», 1928. – С.37-38.

¹² Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1946. – С.11.

¹³ Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг генезиси, жанрий таркиби ва бадийати: Филол. фанлари док-ри ...дисс. – Т., 2005. – Б. 243.

¹⁴ Эшбаева Ф.Х. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадийати. – Т., 2008. – 26 б.

¹⁵ Ўзбек халқ мақоллари. Тўплам. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.79-90.

¹⁶ <https://snailpacetransformations.com/10-bible-verses-on-the-power-of-our-words>.

¹⁷ Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.128-143.

эгаларининг ўз фаолиятини бошлаш ёки тугатишдан олдин касб пирларига мурожаат қилиб, улардан мадад сўраши, ишига қут-барака тилаши мисолида буни кузатиш мумкин. Инглизлар кўпинча тўртта авлиёни ўзларига ҳомий деб билишади. Британияда ҳар йили Авлиё Давид, Авлиё Эндрюв, Авлиё Патрик ва Авлиё Георгий кунлари нишонланади. Масалан, Авлиё Георгий кунда черков роҳибни ёки ёши улуг киши томонидан “May the Saint George protect you” (“Авлиё Георгий сени ўз паноҳида асрасин”) каби дуо ва олқишлар айтилади.

Халқ ижодида жамийки жонли мавжудот тириклигининг гарови ҳисобланган, ҳаёт учун ўта зарур бўлган тўрт унсур – сув, олов, ҳаво, тупроқ кабиларнинг айрича эътибор ва эътиқод билан тасвиру талқин қилиниши кузатилади. Жумладан, олқишлар кўпинча мана шу тўрт унсурга боғлаб айтилиши билан эътиборни тортади: 1. Сув билан боғлаб айтиладиган олқишлар. Масалан, “Сувдай сероб бўлинг”. 2. Олов билан боғлаб айтиладиган олқишлар: “Чироғингиз ўчмасин”, “Ўчоғингиз оловсиз қолмасин”. 3. Тупроқ билан боғлаб айтиладиган олқишлар: “Тупроқ олсангиз, олтин бўлсин”. 4. Ҳаво билан боғлаб айтиладиган олқишлар: “Охирги нафасингизгача хорлик-зорлик кўрманг”.

Худди шундай ҳолатни инглиз олқишларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан: 1. “May Light always surround you and hope kindle rebound you” (Доим қуёш нури атрофингизни ўраб, иситиб турсин). 2 “Let every breath, every word and every step make the mother earth proud of us”. (Ҳар бир нафас, ҳар бир сўз ва ҳар бир қадам она ерни биз билан фахрланишига ундасин). 3. “May the warm winds of heaven blow softly upon your house”. (Жаннатнинг илиқ шамоли хонадонингиз ичра эссин) 4. “Let the water wash away your sins” (Сув барча гуноҳларингизни ювиб кетсин).

Хуллас, олқишлар халқ оғзаки ижодидаги узоқ тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтган жанрлардан биридир. Уларнинг таркибида турли диний эътиқодларга, тасаввурларга хос қатламлар кўзга ташланади. Олқишлар қадимда мустақил жанр сифатида муайян бир маросим билан эмас, турли-туман маросимлар билан боғлиқ бўлган. Бироқ у қандай маросим билан боғлиқ ҳолда ижро этилса-да,¹⁸ ҳамма вақт ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Лекин айни пайтда у ўша маросимнинг алоҳида узви сифатида ҳам намоён бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли “Олқишлар – нутқий одобга алоқадор коммуникатив восита шакли сифатида” деб номланган. Зеро, ҳар бир халқ анъанавий маданиятида олқишлар ўша халқ тилида олам миллий манзарасини акс эттирувчи ментал шакл, нутқий одобга алоқадор коммуникатив восита турларидан биридир. Улар ўзи мансуб халқнинг этнографик турмуш тарзи, миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, халқ ахлоқ нормаларидан дарак беради. Ҳар бир халқ тилининг миллий-маданий спецификасини ўзида намоён этувчи лексик бирликлар тизмасидан ташкил топади. Уларда фикр ва нутқ, сўз санъати, сўзловчи маҳорати ва тил имкониятлари муносабати ёрқин намоён бўлади. Олқишларда тарих ҳақиқати ва халқ ижоди донишмандлиги

¹⁸ Сафаров О., Ўраева Д. Маросим олқишлари ҳақида // Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари” мавзuidaги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Навоий, 2007. – Б.15-18.

ҳам бўй кўрсатади. Кўпинча олқиш тилида шева элементлари, халқ нутқ одоби анъаналари кўриниб туради. Шунинг учун олқишлар тили устида кузатишлар олиб бориш муайян тил маконида ўша тил тарихини ўрганиш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Жумладан, олқишлар тилида айрим архаик (қадимги) ҳам янги сўзлар қўлланиб келиши ҳам кузатилади.

Олқишлар турли нутқ вазиятлари ва ҳолатларига қараб айтилади. Улар структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик аспектларда юзага чиқади. Олқишлар кўпроқ ўзида ҳар бир халқнинг турмуш тарзини, меҳнат фаолиятини акс эттирувчи яхши истаклар хусусиятларини тасвирлайди. Шунинг учун олқишларни нутқ этикетларига (нутқ актларига) хизмат қилувчи омиллар ҳисоблаш мумкин. Бунда, албатта, улар лингвостилистик ифода хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Олқишларнинг маъно турларига бўлиниб ўрганилишида уларнинг тилда структурал-функционал хусусиятларга эгаллиги янада ёрқинлашади. Олқишлар тилида миллий-лисоний белгилар алоҳида намоён бўлиб туради.

Жуда кўп халқлар оғзаки ижодида алоҳида адабий жанр сифатида тан олинган олқишлар тил ва нутқда жонли нутқий мулоқот жараёнининг фаол прагматик омилларидан бири ҳисобланади. Оғзаки ва ёзма адабиётда олқишларнинг лингвомаданий ҳамда прагматик интерпретация (талқин) хусусиятлари алоҳида эътиборни тортадиган масалалардан биридир. Уларда вариантлик доимий кузатилмайди, лекин гендерлик хусусияти алоҳида эътиборни тортади.

Олқишлар тилда кўпинча сўзлашув нутқи ҳосиласи, баъзан эса бадиий ижод маҳсули сифатида учрайди. Албатта, бунда уларнинг бадиий қурилиши, семантик-структур тузилиши, функционал-услубий хусусиятларида ўзига хосликлар намоён бўлади. Уларнинг синтактик қурилишида тил нормаларига муносабат, сўз қўллашда масъулиятлик, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик, модаллик, лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлар ҳам акс этади.

Ҳар бир тилда олқишларнинг бадиий-мазмуний структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштирилгани намоён бўлади. Жумладан, улар кўпинча содда гап қолипли бўлиб, таркибидаги сўзларнинг мантиқан зарурий бириккани кузатилади.

Олқишлар, асосан, кундалик мулоқотда муайян хайрихоҳлик муносабати туфайли ишлатиладиган кичик ҳажмли нутқ формулаларидир. Уларга хайрихоҳлик, маънавий ва моддий қадриятларни руҳий олам билан боғлаб изоҳлаш этник компонентлардан бири сифатида барча халқлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

В.Н. Бгажноковнинг фикрича, “яхши тилаклар (олқишлар) барча халқлар орасида мавжуд ва улар маросим формулалари асосида юзага келиб, мулоқот қилишда психологик қулайлик яратишга хизмат қилади”.¹⁹

Барча халқлардаги каби инглиз ва ўзбек тилларида “саломлашиш” билан боғлиқ сўз ва иборалар энг кўп яхши тилакни билдирувчи сўзлардир. Улар ҳатто нутқда тўлиқ лексик эквивалентлар сифатида иллюстрациялашган эса-да, баъзан синонимлашиши кузатилади.

¹⁹ Бгажноков В.Н. Очерки этнографии общения адыгов. – Нальчик: Эльбрус, 1983. – 232 с.

Олқишларни нутқий одобга алоқадор коммуникатив восита шакли сифатида мавзу йўналишига, лингвопоэтик қурилишига, насрий ё шеърий тузилишига, кимга ёки нимага мурожаат қилиниши тамойилига кўра ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш мумкин.

Бобнинг учинчи фасли “Инглиз ва ўзбек фольклорида олқишларнинг номланиши ва ижро хусусиятлари” деб номланган. Ўзбекларда олқиш сўзи жанр номи сифатида қадимги олтой турклари тилидаги “ал” – шарафламоқ, юксакликка кўтармоқ, мақтамоқ феъли ўзагидан ясалган. “Олқиш” атамаси мана шу “ал” феъли ўзагига – “қы” буйруқ майли ҳамда -“а (ш)” ҳаракат номи ясовчи кўшимчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган.²⁰ Бу атама туркий халқлар орасида анча оммалашган. Ўзбек халқ мақоллари таркибида ҳам олқиш ва қарғиш жанрлари номи халқ тилидан олиб қўлланганини кузатиш мумкин. Жумладан: “Оқ дегани – олқиш, Қора дегани – қарғиш”, “Олқиш олган омондир, Қарғиш олган ёмондир” каби.²¹ Аммо олқишлар халқ орасида “яхши ният”, “тилак” деб ҳам юритилади. Олқиш атамаси халқ орасида сеҳр-жоду маъносини билдирувчи “дуо-айтимлар” маъносида ҳам қўлланилади.

Баъзан олқиш атамаси ўрнида “фотиҳа” (шевада “потийа, потя”) атамалари қўлланади. Шу сабабли кўпчилик тасавурида бу жанр фақат диний эътиқодлар, хусусан, ислом ақидалари билан боғлиқ ҳодисадай бўлиб туюлади.²² Дарҳақиқат, халқимиз ўртасида ҳозир истеъмолда бўлган олқишларда исломга оид диний унсурлар (элементлар) кўп учрайди. Бу элементлар эса халқ олқишларида бевосита араб истилосидан кейин пайдо бўлган ва уларнинг мазмунида мустаҳкам сақланиб қолган.

Олқиш жанри намуналари инглиз фольклорида “blessing”, “well wishes”, “praise” каби атамалар билан қўлланиши кузатилади. Лекин бу сўз ва бирикмаларнинг маъноси жиҳатидан бир-биридан фарқланишини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Жумладан, инглизларда олқиш моҳиятини ифодалаш учун иккита яқин маъноли бирикма кенг қўлланади. Булар “Well wishes”, Well wishes – яхши тилак билдириш ҳамда “Blessings” – дуо айтиш бирикмаларидир.

Е.В.Бобиреванинг фикрича, “Blessings”, яъни дуо айтиш, кўпроқ диний моҳиятга эга бўлиб, одатда, ёши улуг кишилар, бобо-бувилар, ота-оналар ёки черков ходимлари томонидан ёши кичикларга қаратиб айтилади.

Демак, “blessing”, яъни “to bless” – дуо қилмоқ, фотиҳа бермоқ маъносини ифодалайди. Джон Тведдал ўзининг “Blessing” номли мақоласида унга шундай таъриф берган: “Blessing” сўзи “Инжил”даги “berakah” сўзидан келиб чиққан бўлиб, кўпинча Худо аҳдининг марҳамати ва яхшилигини етказиш учун ишлатилади. Шунга ўхшаш “баорак” (дуо қилиш) феълининг асл маъноси “тиз чўкиш” дегани бўлиб, у ибодат ва мақтов нуктаи назаридан кўпинча Аллоҳнинг аҳд аҳлига сиғинадиган ибодатини тасвирлаш учун ишлатилади.

²⁰ Олқиш ва қарғишлар // Қаранг: Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б.109; Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.129-130.

²¹ Ўзбек халқ мақоллари. Тўплам. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчилар: Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусакулов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.79-90.

²² Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар. // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.129.

Инглиз адабиётида “Well wishes” сўзи “олқиш” сўзига якин яна бир сўз ҳисобланади. Луғат ва энциклопедияларда унинг немис тилидаги “wunschen”, яъни “wun” – тилак, “schen” – тиламоқ маъносини билдирувчи сўздан келиб чиққани айтилади. “Well wishes” деганда, кўпроқ маиший турмушда бирон кишига бирор муносабат билан яхши тилак айтиш, эзгу ният билдириш англашилади. Бунда ёши улуғлар ҳам, ёши кичиклар ҳам тингловчига яхши тилак тилаши мумкин. Масалан: “Have a good day!”, яъни “Кунингиз хайрли ўтсин!”²³ каби.

Қадимги француз тилидан олинган “presier” – мукофот, мақташ, тасаннолар айтиш деган маънодаги “Praise” сўзи ҳам “олқиш” моҳиятини ўзида ифодалаб келади.

Диссертациянинг **“Ўзбек ва инглиз маросим олқишларидаги ўхшашликлар ва ўзига хосликлар”** деб номланган иккинчи боби таркибини “Инглиз ва ўзбек фольклорида олқишларнинг мавзу турлари” “Ўзбек ва инглизларда тўй маросимлари олқиши” ҳамда “Ўзбек ва инглизларда мотам маросими олқишлари” каби уч фасл ташкил этади. Илк фаслда инглиз ва ўзбек фольклоридаги олқишларнинг кўлланиш доираси ғоят кенглиги, уларнинг жуда катта қисми маросимларда айtilса, бир қисми кундалик турмушда одамлар орасида кечадиган турли муомала-муносабатлар жараёнида кўлланиши, нутқда одамларнинг ижтимоий мавқеига, жинсига қараб айтилиши кўрсатиб берилган. Масалан, “Камбағалликдан сизни оллоҳнинг ўзи қутқарсин” дейилса, ҳомиладор аёлга: “Ҳорманг оғирликлар билан. Ўзи энгил қилсин, илоҳим” деб айтилади. Бундан кўринадики, олқишларда гендерлик хусусияти ҳам мавжуд. Улар инсоннинг жинсига қараб ҳам айтилади. Аммо кўпчилик олқишлар бундай хусусиятга эга эмас. Айрим олқишларни инсон жинсидан қатъий назар эркакка ҳам, аёлга айтиш мумкин. Масалан: “Ризқингиз мўл, умрингиз зиёда бўлсин”. “Яратган дилингизни беғам қилсин” каби.

Халқимиз орасида қуйидаги ҳолатларда олқиш айтиш кузатилади: 1. Келган меҳмонга. 2. Келган меҳмон кетаётганда. 3. Ухламоққа ётаётганда. 4. Уйқудан уйғонганда. 5. Овқатланаётганда. 6. Овқатланиб бўлгач. 7. Дастурхон қоққанда. 8. Кўлга сув куйганда. 9. Бирор кишига совға бераётганда. 10. Яхшилик қилган кишига. 11. Инсоннинг бошига ҳар хил савдолар тушганда, жабрдийда, аламдийда кишидан кўнгил сўраб борганда. 12. Адолатсизлик олдида ожиз қолиб, ер муштлаб, йиғлаб-йиғлаб, зорланиб турган одамга. 13. Ёмон, жабрдийда кишиларга. 14. Сафарга ёки саёҳатга, ҳажга, хизматга отланаётганларга. 15. Сафардан қайтганларни кутиб олишда. 16. Остона ҳатлаб, бирор кишининг хонадонига қадам ранжида қилинганда. 17. Янги кийим кийганда. 18. Касал-бемор кўргани борганда. 19. Ўғил уйлантирилаётганда ёки қиз турмушга чиқарилаётганда. 20. Фарзанд дунёга келганда. Болаларга бағишланган бундай халқ айтими-олқишлар О.Сафаров томонидан “Бойчечак”, М.Жўраев томонидан “Ой олдида бир юлдуз”

²³Бобырева Екатерина Валерьевна, Курченкова Елена Анатольевна. Речевые акты благословения английском и индийском языке // Известия ВГПУ. – 2019. – №9 (142). – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rechevye-akty-blagosloveniya-v-indiyskom-angliyskom-yazyke> (дата обращения: 23.07.2021).

тўпламларида чоп этирилган.²⁴ Масалан, чақалоқ биринчи марта бешикка беланаётганда, чақалоқни бешикдан олаётганда, чақалоқ илк бор чўмилтирганда, чақалоққа исирик тутатаётганда, чақалоқнинг йўлдошини кўмаётганда, чақалоқнинг чилласи чиққан куни, киндиги тушган куни, ёш болага илк бор янги кийим кийгизаётганда, қизалоқларнинг сочини илк бор ювиб тараётганда айтиладиган турли олқишлар шулар жумласидандир. 21. Янги уй-жой, қурилиш, иморат бошлаганда. 22. Янги ой чиққанда. 23. Қовун еганда. 24. Гўшт еганда. 25. Қабристон ёнидан ўтаётганда айтиладиган олқишлар ва ҳ.к. Умуман айтганда, ўзбекларда ҳамма-ҳамма ишда, албатта, олқиш айтилиб, яхши ният қилинади. Шунга кўра, олқишлар ранг-баранглик, мавзуй кўламдорлик ҳосил қилади.

Инглиз халқ олқишларини ҳам худди шундай бир неча мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) Blessing Of A Married Couple, яъни ёш келин-куёвларни; 2) Blessing Of Children – болаларни; 3) Blessing On The Occasion Of A Birthday – туғилган кун эгасини олқишлаш; 4) Blessing Of The Sick – беморларга соғлик тилаш. Сидней Шелдоннинг “Шифтда юлдузлар порлайди” асарида қизнинг касал отасига қаратилган шундай олқиш-дуо келтирилган: “Please don’t let him die, God. He’s all I have”. – Таржимаси: “Парвардигорим, отамни ўлишига қўйманг, у менинг борим”.²⁵ 5) Blessing Of Travelers – узоқ йўлга чиққан, сафарга кетаётганни олқишлаш. 6) Appearing new moon – янги ой чиққанда айтиладиган олқиш. 7) Before the table – дастурхон олқиши. 8) Wishing good health – соғлик тилаш олқиши. 9) Moving in a new house – янги уйга кўчганда; 10) Before an exam – имтиҳон синовидан олдин; 11) In the cemetery – қабристонда; 12) Wishing good weather – об-ҳаво яхши келиши учун; 13) Before starting a new job – янги ишга кирганда; 14) Waiting a new child – фарзанд кутаётган ҳомиладор аёлга айтиладиган олқишлар ва ҳ.к.

Кўринадики, инглизларда ҳам олқишлар муайян вазиятдан келиб чиқиб айтилади. Шунга кўра улар юқоридаги каби бир неча мавзуй йўналишларга ажралади. Қуйидаги парчалардан фарзанднинг ота-онасига қаратилган олқиш-дуолари борлиги англашилади: “I will pray for you as long as I live” – Таржимаси: “Тирик эканман, сиз учун ибодат қиламан”. Самуэль Ричардсоннинг “Памелла” асарида қиз ота-онасини қуйидагича дуо қилади: “May God reward and bless you, both in this world and next!” – Таржимаси: “Худо сизга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам мукофот ва барака берсин”.²⁶

Эътиборли томони шундаки, инглиз ҳамда ўзбек олқишлари маъно жиҳатдан ўзаро қиёсланганда, уларнинг кўпчилиги мазмунан яқинлиги кузатилади. Масалан, учрашув олқишлари ўзбекларда ҳам, инглизларда ҳам учрайди. Жумладан, учрашувдан хурсандман, кунингиз хайрли ўтсин

²⁴ Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар К.Очилов ва О.Сафаров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 336 б.; Ой олдида бир юлдуз: Ўзбек халқ маросим қўшиқлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи – филология фанлари доктори М.Жўраев. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 160 б.

²⁵ Sidney Sheldon. The stars shine down. – Chapter One. EPub Edition © APRIL 2010 ISBN: 978-0-062-00786-5. – P.20.

²⁶ Samuel Richerdson.Pamella. – English Oxford library, 1853. – P.285.

мазмундаги “Good to meet you”, “Wish you a good day” олқишини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбек фольклорида дастурхон олқишлари бўлгани каби инглиз халқи орасида ҳам дастурхон дуоси айтилади. Бироқ уларнинг ўзбек дастурхон олқишларидан фарқли жиҳати шундаки, инглизлар дастурхон дуосини овқатдан олдин айтадилар. “Giving thanks, for food in a world where many walk in hunger”, – дея Оллоҳга ризқ етказгани учун шукроналик билдирадилар.

Ўзбек халқи орасида қовун егандан кейин айтиладиган олқишлар борлиги каби инглизларда ҳам бундай дуони учратамиз. Масалан: “Blessing of gardens and Gardeners sevice”.

Инглизларда ҳам сафар олқишлари учрайди. Масалан: “I wish you safereturn!”, “Bonvoyage!”, (яъни “Эсон-омон етиб келинг, саёҳатингиз беҳатар бўлсин”) ёки “I wish you a good journey! Lord bless you! (Сизга ажойиб саёҳатни тилайман)²⁷ каби. Айрим сафар олқишларида сафарга жўнаётган кишига кўп пул топиш қувончини тилаш мазмуни акс этади: “I wish you joy of the money!” – Таржимаси: “Сенга пул қувончини тилайман”.²⁸ Бундай олқиш Чарлз Дикенсинг “Катта умидлар” асарида Жой амаки томонидан жиянига айтилгани келтирилган.

Қабристон ёнидан ўтаётган киши, албатта, дафн қилинган мархумлар руҳига олқиш айтиб ўтади. Бу ҳам халқимиз орасида ахлоқий нормага айланган хатти-ҳаракатлардан биридир. Бундай вазиятда “Ётганларнинг арвоҳи шод, ётган ери жаннат бўлиши тилаги устуворлик қилади. Инглиз халқи ҳам худди шундай “May your estinpeace”, (яъни ётган жойингда тинч ва хотиржам ётгин) каби тилакларни тилашади.

Агар ўзбек ва инглиз муножот, шукрона келтириш шеърларида қўлланилган олқишлар қиёсий таҳлилга тортилса, улар орасида ҳам муштарак жиҳатлар мавжудлиги эътиборни тортади.

Ҳар бир миллат ва элатнинг, халқнинг ўз ижтимоий-маданий тараққиёт тарихи жараёнида шаклланган маросимлари бўлгани каби уларга алоқадор олқишлар тизими ҳам шаклланган ва асрлар давомида яшаб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Энг муҳими, маросим олқишлари ўзи дахлдор маросимнинг таркибида ҳозиргача анъанавийлик касб этиб, яшаб келмоқда. Улар кўпинча тўй, мотам, даволаш, касб-ҳунар эгаллаш маросимларида айтилади. Барча халқларнинг тўй маросими шу қадар ранг-баранг урф-одат ва удумларга бойки, уларнинг ҳар бири ўзига хос олқишларга эгалиги билан диққатни тортади ва “тўй олқишлари” номи билан юритилади.

Ўзбек бешик тўйи олқишларида, одатда, туғилган бола, дунёга келган чақалоқ муборакбод қилиниб: “Умрию ризқи, ота-онаси, бобою бувиси билан берган бўлсин, муборак бўлсин”, – дейилади. Бу ихчам тилакнинг мазмунида катта ҳикмат бор. Бола туғилибдими, аввало, унинг умри узун бўлсин, ризқу насибаси мўл бўлсин, ота-онасига содиқ бўлсин, ота-онаси шу умид билан униб-ўстираётган боласининг ҳузурини, иқболини кўрсин, дея яхши тилак айтилади.

²⁷ Jane Austen. “Northanger Abbey”. Epub Edition © APRIL 2010. – Б.101.

²⁸ Ch.Dickens. Great Expectations. – Global Grey, 2018. – Б.183.

Бола туғилиши ва униб-ўсишига дахлдор маросимни инглиз халқлари орасида ҳам кузатиш мумкин. Бу – янги туғилган чакалокни черковда чўқинтириш маросимидир. Унда покланган боланинг²⁹ ота-онасини табриклар: “May your faith grow as your little one grows”, яъни (Кичкинтойингиз ўсиб улғайган сайин иймони ҳам ўссин), “May your child know the vast love of our heavenly Father through you”, (Фарзандингиз сиз орқали Роббимизнинг улкан севгисини билсин) каби яхши тилаклар, олқиш сўзлар айтишади.³⁰

Хатна ёки суннат тўйи фақат мусулмон минтақаларда, жумладан, ўзбеклар орасида ўғил бола учун ўтказилади. Бу тўйда дастлаб боланинг ота-оналари, яқинлари алқанади. Шундан сўнг боланинг ўзига яхши ниятлар билдирилади.

Никоҳ тўйи жуда кўп халқларда энг йирик ва маъсулиятли тўй тури саналади.³¹ Унда икки ёш бахтини тилаб айтилган дуо-олқишлар қалблардан жой олади. Мана шу сабаб ҳар бир тўйда айтилган олқишлар йиғилиб-йиғилиб “никоҳ тўйи олқишлари” туркуми шаклланган. Никоҳ тўйи олқишларида, асосан, бир оламдан иккинчи бир оламга ўтаётган, яъни йигитлик оламидан эрлар оламига, қизлик оламидан аёллар оламига йўл олган қиз-йигит, яъни келин-куёвларга кўп йиллик тўкин ҳаёт, қўша қаришлик, фарзандли бўлишлик бахтига эришиш нияти устуворлик қилади.

Буюк Британияда тўй маросимини ўтказишга келин-куёв жуда қаттиқ тайёрланишади. Келин-куёвнинг ота-оналари фарзандларига оқ фотиҳа беришаркан, кўпинча: “My children! I cannot resist your prayer. Be happy!”, (яъни “Болаларим, сизларнинг истакларингизга қарши чиқолмайман. Бахтли бўлинглар!”) дейишади. Инглизларда ҳам никоҳ тўйи бир нечта босқичларга бўлинади. Булардан бири – “Stag party” бўлиб, куёв ва унинг дўстлари иштирокида ўтказилади. Айтилган худди шунга ўхшаш тадбирни келин ҳам ўз дугоналари билан биргаликда ўтказади. Бу тадбирнинг номи “Hen party” деб юритилади. Инглизларда ҳам ўзбеклар каби тўй никоҳсиз ўтмайди. Шу кун келин оппоқ либос билан отаси ҳамроҳлигида черков меҳроби ёнига келади. Черковда ўтирган ёши улуғ меҳмонлар томонидан “God to bless them, and placed the stemp of the church`s holy approval upon this marriage”, яъни Раббим уларни марҳаматласин ва бу никоҳга черковнинг муқаддас розилиги берилди, дея дуолар қилинади.

Никоҳ маросимининг сўнгги босқичида дастурхон ёзилган даврада барча йиғилганлар меҳмон қилинади. Улардан ҳар бири навбатма-навбат ўрнидан туриб, қадаҳ кўтарганча келин-куёвларни табриклар, қуйидагича олқишлар айтишади: “Let us raise our glasses to the happy couple. May you grow old on one pillow” (Келинг, келин-куёв бахти учун қадаҳ кўтарайлик. Илоҳим, бир ёстикда қаришсин).

Жуда кўп халқлар фольклорида дунёдан ўтган кишилар руҳига бағишлаб айтиладиган олқишлар алоҳида ўрин тутаяди. Уларда бу ёруғ оламини тарк этган

²⁹ https://en.wikipedia.org/wiki/Infant_baptism

³⁰ <https://holidayparty.com/greeting-cards/Christian-Baby-Card-Messages-Congratulations-Sayings-and-Poems>.

³¹ Жўраев М., Ўраева Д., Худойкулова Л. Мифология. Маросим фольклори. / Ўзбек фольклори тарихи. 1-жилд. Масъул муҳаррир: Т.Мирзаев. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. – 620 б.; Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома (Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида маълумотнома). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 172 б.

